

# ЖАМҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000-йил 15 январ  
шанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 11 (2308)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ФАРМОЙИШИ

**Хорижий мамлакатларда нафас йўллариинг  
ўткир юқумли касалликлари ва грипп билан  
огриш кенг тарқалганлиги ҳамда грипп эпиде-  
миясининг республика ҳудудига тарқалиши  
эҳтимоли муносабати билан:**

1. Нафас йўллариинг ўткир юқумли касалликлари ва грипп эпидемиясининг олдини олиш бўйича Ҳукумат комиссияси тузилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги касаллик кучайган даврда республиканинг бутун ҳудудида нафас йўллариинг ўткир касалликлари ва гриппга қарши кураш бўйича профилактика ва эпидемияга қарши кураш чора-тадбирлари режасини амалга киритсин, бунда:

беморларни фаол аниқлаш ва ажратиш чора-тадбирлари ташкил этилиши ва уларнинг кенг амалга оширилишини;

хавф туғдирувчи гуруҳга кирувчи аҳолини, энг аввало барча болалар ҳамда катта ёшдагиларни гриппга қарши эмлаш;

тиббийёт муассасалари, транспорт, савдо объектлари ва мактабга болалар муассасаларида дока ниқоблар тақий юрилишини;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда, олий ўқув юрталари, талабалар ётоқхоналари, мактаблар, мактабга болалар муассасалари, жамоат транспортларида нафас йўллариинг ўткир касалликлари ва гриппнинг олдини олиш бўйича туркум телекурслар ва радиозашитиришлар тайёрлансин, шунингдек республика матбуотида ва маҳаллий матбуотда материаллар чоп этилсин.

6. Мақсуд фармойишнинг касалликларининг олдини олиш ва уларни даволаш учун зарур дори-дармон воситалари мавжуд бўлишини назарда тутсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2000 йил 14 январ.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич!  
Ўзбекистон, ўзбек халқи ва унинг улғу фарзандлари жаҳон цивилизацияси ва инсоният тарққийтига катта ҳисса қўшиб келдилар.

Ватанимиз Сизнинг раҳбарлигинизда ўзининг тарихий шухрати қайтадан тикланди.

Сиз янги тарихий Ўзбекистоннинг бунёдкорисиз ва бу ҳақда равишда халқро миқёсда эътироф этилмоқда. Республикада амалга оширилаётган ислохотлар, барча жаҳонда бўлган босқинчи қўлга киритилган муваффақиятлар Сиз томондан ишлаб чиқилган концепцияларнинг ҳаёта жорий этилиши тўғайди.

Илмий, назарий, амалий қиммати жиҳатидан ажралмас бирлик ва ахтирликни таъкил этувчи адолатли ғояларингиз жамиятимизнинг янги босқичга ўтишида, шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Юксак даражада тараққий этган давлатларнинг раҳбарлари, машҳур давлат ва жамоат арбобларининг Сизга кўрсатган улғу эътирми, Ўзбекистон Республикаси, ЮНЕСКО сизга ютуқли халқро ташкилотларини Сиз илгари сўраётган қўллаб-қувватлаётгани, бу ғояларнинг наинки Ўзбекистон, Урта Осиё, балки, умуман, ҳозирги инсоният учун зарур эканини таъкилланганлиги Сизни ҳақли равишда ХХ асрнинг энг кўдратли лидерлари даражасига кўтарди. Биз, олимлар, ХХ асрга мана шундай доно раҳбаримиз раҳнамолигида кириб бораётганимиздан фарҳанамиз ва Сизнинг ёнидаги янада мухтаж-камроқ жиспланиши имонимиз, эътиқодимиз ва бурчимиз деб тушунаемиз.

Бозор иқтисодиётига ўтишининг осон бўлмаган шароитларида илм-фан аҳлига кўрсатилган ғамхўрлигингиз, ерданингиз бурғунги кунга ишончимиз ва келажакка умидимизни янада мустаҳкамлайди ҳамда Ватан равақига, миллат саодати учун астойдил тер тўкиб меҳнат қилишга ундайди.

Халқ меҳри, муҳаббати, садоқатига сазовор бўлмоқ энг олий мартабадир. Сиз ана шундай меҳр, муҳаббат, садоқат ва ҳалқимизнинг тўла ишончига сазовор бўлдингиз ва ишончимиз қимли, абадий шундай бўлиб қоласиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб қайтадан сайланганингиз билан кўп миңг сонли олимлар, илм-фан аҳли, республика Фанлар академиясининг барча аъзолари Сизни самимий табриқлади ва Сизга сизхат-саломатлик, боний умр тилайди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси жамоаси.

## КУРУВЧИЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Қаршида вилоят қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Исаев бошқарган ушбу йиғилишда бозор иқтисодиёти шароитида қурилиш ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар,

тендер савдоларини ташкил этиш, иш сифатини ошириш, қурилиш ташкилотини арзонлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Бу борадаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

**А. ТАЙПАТОВ,**  
ЎЗА муҳбири.

Кишининг кировли кунларида чорвадор ташвишига кўнгилларни сурурга тўлдирадиган яна бир «ташвиш» қўшилгандек. Зеро, отарларда кўзила-тиш мавсуми бошланди.



## МАСЪУЛИЯТЛИ МАВСУМ

Хайҳотдек яйловнинг турли томонларида эндигина оёққа тураётган кўзиларнинг маъраси эшитилиб турса, чўпонга тиним борми? Ушбу «ташвиш»лар сиз суратда кўриб турган Улуғнор туманидаги «Улуғнор» ширкатлар уюшмасининг чўпон чўлиқларида ҳам бегона эмас. Уюшма бош чўпони Абдусаттор Холиқулов бу йилги кўзила-тиш мавсумида ўз қарамотидаги 360 бош совлиқдан 368 та кўзи олиш-

ни ният қилган. Ҳозиргача олинган кўзилар сонини ҳисоблайдиган бўлсак, унинг яйловига яна барака қўшилди деган кўринади.

СУРАТЛАРДА: ширкатта қарашли яйловда; туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлигининг чорвачилик бўйича ўринбосари (ўнган) Алижон Ғаниев, уюшма бош чўпони Абдусаттор Холиқулов ва бош зоотехник Мухтор Акбаров янги туғилган кўзичоқларни кўздан кечиршимоқда. **Ш. ОЛИМОВ** (ЎЗА) олган суратлар.

## Георгий ПЕЛИСОВ, профессор, Б. Шукин номидаги Театр билим юртининг собиқ ректори:

# ТЎҒРИ ТАНЛАНГАН ЙЎЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов арафасида мен телезор қаналларини ўзгартириб ОРТ орқали намойиш этилаётган «Мустақиллик синовлари» ҳужжатли фильмнинг бошланғич титрларига кўзим тушиб қолди ва ошқикат билан уни охиригача томоғим қилдим. Чунки фильм кўп йиллардан буён Россияда яшасам-да, мен учун бегона бўлмаган мамлакат тўғрисида эди.

... 1938 йилда мен Куйбисhev институтини тамомлаб Тошкентга келдим. Республика маориф халқ комиссарлигида йўллангани кутуш билан овора бўлиб юрганимда, беҳосдан мен каби ёш йигит — Москва нефть институти битирувчиси, яқинда нефть техникуми директори этиб тайинланган Аҳад Азизқориев билан суҳбатлашиб қолдим.

Шу қисқа суҳбат меннинг ишга жойлашишимни ҳал қилди. Мен етти йил Қўқонда яшадим, бўлажак нефтьчиларга тил ва адабиётдан дорс бердим, шу ерда уйландим. Агар шунда Россия газеталари Ўзбекистонга мустақиллик бўйича кўшни бўлган бозор давлатларининг «ютуқлари» тўғрисида кўпиритиб ёзган даврлар ҳам бўлди ва афсус ушбу мамлакат ютуқлари олам қирипти доражада ком еритилди. Лекин ҳаёт ҳар нарсани ўз жойига қўйди.

Айнан Ўзбекистонда ислохотларнинг оқилона равишда, бутун жамият манфаати йўлида олиб борилаётгани, улар нафақат иқтисоднинг ривожланишига, балки барча инсонлар фаровонлигининг ошишига ҳам кучли таъсир этётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Бир сўз билан айтганда, мустақилликнинг барча йилларида, қийинчиликларга қарамай, бу ерда тўлақонли ва адолатли давлат яратилмоқда.

Шуни алоҳида айтиш керакки, ушбу фильм москвалик кино усталари томонидан суратга олинган. Бу эса россияликларда Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларга бўлган қизиқишининг ўсаётганидан гувоҳлик беради.

В. В. Путиннинг ўтган йил декабр ойида Тошкентга қилган ташрифи Ўзбекистон таърибига, ислохотларнинг «ўзбек моделига» бўлган диққат-эътиборидан далолатдир. Россия Президентини вазифасини бажорати Владимир Владимирович ўзининг баёнотларида иқтисодий ислохотларнинг олиб борилишида давлатнинг ролини ўстириш, инсонларнинг ижтимоий муҳофазасини кўчайтириш, Россия фуқароларини

ватанпарварлик ва маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашга катта эътибор бераётгани бежиз эмас. Буларнинг барчаси эса айнан Ўзбекистонда муваффақиятли амалга оширилмоқда. Россия фуқароси сифатида, давлатимиз раҳбари эълон қилган тамойилларнинг ҳуқумат олиб бораётган сифатида ўз ақсини топишига умид қиламан.

Фильмда Ўзбекистон фуқароларининг ўз етакчиси — бир неча кун илгари мамлакат халқи томонидан ушбу юксак лавозимга қайта сайланган Ислам Абдуганиевич Каримовга бўлган илиқ муносабати ва ҳурмат-эътирми жудо ҳақоний кўрсатилган. Шохсан мен сайловнинг айнан шундай натижа билан тугашига ҳеч шубҳа қилмаганман ва мавбодо республиканинг фуқароси бўлганимда мен ҳам у кишига овоз берган бўлардим. Яъни, ўз Ватани буюк келажагини исботлаб берган инсонга, ҳамюртлари ишончини қозонган Президентга хайрихоҳлик билдирган бўлар эдим.

**Олег ШАТУНОВСКИЙ,**  
«Жаҳон» АА,  
Москва.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ш.Р.Бегматовни Қашқадар вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Шухрат Раҳимович Бегматов Қашқадар вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.  
Ўзбекистон Республикаси Президентини **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2000 йил 14 январ.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ў.Қ.Исмоиловни Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Устам Қўчқорович Исмоилов Сирдарё вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.  
Ўзбекистон Республикаси Президентини **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2000 йил 14 январ.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент жаноблари,  
Ўзбекистон Президентини лавозимига қайта сайланганлигини муносабати билан йўлдан тўғри самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни давом эттиришига аминман. Сизнинг янги ваколатингиз амал қилганидан даврда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янада юксалишига ишончим комил.

Ҳиндистон-Ўзбекистон муносабатларининг илдизлари кўна тарихга бориб тақалади ва бу муносабатлар мустақил Ўзбекистон ташкил топган вақтдан буён нияҳода ривожланди. Ишончим комилки, бизнинг муносабатларимиз бундан буён ҳам биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида мустаҳкамлашиб бораверади.

Жаноби Олийлари, биз Сизни яқин орада Ҳиндистонда қабул қилишни сабрлик билан кутаямиз. Сизнинг ташрифингиз сиёсий соҳада ҳам, иқтисодий соҳада ҳам чуқурроқ аниқлашга эришишимиз имконини беради.

Фуратдан фойдаланиб, юксак лавозимингизда Сизга бундан буён ҳам муваффақиятлар тилайман.  
**ПЕТЕР СТОЯНОВ,**  
Болгария Республикаси Президентини.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,  
Ўзбекистон Республикаси Президентингизга қайта сайланишингиз муносабати билан Сизни муборакбод этиш мени бағоят хаманун этади.

Ҳиндистон-Ўзбекистон муносабатларининг илдизлари кўна тарихга бориб тақалади ва бу муносабатлар мустақил Ўзбекистон ташкил топган вақтдан буён нияҳода ривожланди. Ишончим комилки, бизнинг муносабатларимиз бундан буён ҳам биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида мустаҳкамлашиб бораверади.

Жаноби Олийлари, биз Сизни яқин орада Ҳиндистонда қабул қилишни сабрлик билан кутаямиз. Сизнинг ташрифингиз сиёсий соҳада ҳам, иқтисодий соҳада ҳам чуқурроқ аниқлашга эришишимиз имконини беради.

Фуратдан фойдаланиб, юксак лавозимингизда Сизга бундан буён ҳам муваффақиятлар тилайман.  
**К.Р.НАРАЙНАН,**  
Ҳиндистон Республикаси Президентини.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига қайта сайланганлигини муносабати билан Сизга гоат самимий қутловларимни йўллайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ағнаваний дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари халқларимиз манфаатлари, минтақда ва бутун дунёда тинчлик, ҳамкорлик ҳамда тараққийт манфаатлари йўлида муттасил мустаҳкамлашиб, ривожланиб бораверишига ишончим комил.

Ўзбекистон халқи Сизнинг раҳбарлигингизда фақат бахтиқбол ва фаровонлик ҳўм сурадиган гуллаб-яшнаовчи мамлакатни барпо этаверсин.

Президент Жаноблари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва юксак лавозимингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилайман.  
**Чан Дик ЛИОНГ,**  
Вьетнам Социалистик Республикаси Президентини.

## ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИ СЕССИЯЛАРИДА

Қаршида иккинчи чақирғи Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг биринчи сессияси бўлди. Унда мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг Ш.Бегматовни Қашқадарё вилояти ҳокими этиб тайинлаш тўғрисидаги Фармониини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Олимов уқиб эшиттирдилар. Фармон бир овоздан тасдиқланди.

Сессияда, шунингдек вилоят Кенгаши доимий комиссиялари тузилди ва тасдиқланди.

Тулистонда иккинчи чақирғи Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг биринчи сессияси бўлди. Унда мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг Ў.Исмоиловни Сирдарё вилояти ҳокими этиб тайинлаш тўғрисидаги Фармониини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчинини ўринбосари П.Шоабдурахмонов уқиб эшиттирдилар. Фармон бир овоздан тасдиқланди.

Шунингдек, сессия қатнашчилари вилоят Кенгаши доимий комиссияларини туздан ва тасдиқлади.

**(ЎЗА)**

# ҚОНУН ХАММАГА БАРОВАР

бу борада имтиёзликлар бўлмайди

Янги йилнинг дастлабки кунларида одатда ўтган йилги ишлар сарҳисоб қилиниб, ютуқ ва камчиликлар элақдан ўтказилади. Куйида биз икки йилриқ ташкилотда йўл қўйилган қатор камчиликларни қаламга олишимиз лозим топдик.

Ўтган йилнинг сўнгги ойларида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси мутахассислари «Ўзғойтамаки-саноат» уюшмаси ва «Ўзқиллам-чиранглиметалл» очиқ турдаги акционерлик жамиятида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ва «Товар бозорларида монополиянинг фаолиятини чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонуларнинг талаблари қандай бажарилётганини ўргандилар.

Тан олиш керак, бу ташкилотлар ва уларнинг таркибидидаги корхоналарда ишлаб чиқариш соҳасида мақтаса аргизгулик натижаларга эришилган. Шу билан бирга, ҳар икки ташкилотда ҳам юқориди зикр этилган қонуларнинг ижросига етарлича эътибор берил-

магани аниқланди. Агар «Ўзғойтамаки-саноат» уюшмаси тизимидаги текширилган 28 та корхона ва ташкилотдан 20 тасида қонуларнинг талабларига риоя этмаслик ҳолатлари кузатилаган бўлса,

«Ўзқиллам-чиранглиметалл» очиқ турдаги акционерлик жамияти тизимидаги текширилган 11 та корхонадан 7 тасида турли қонунбузарликларга йўл қўйилган.

Келинг, далилларга мурожаат қилайлик.  
«Маҳсулот (иш, хизмат)лар, халқ истеъмол молларини» кели-

шилган (эркин) нарх ва тарифларни шакллантириш ҳамда қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 1-иловаси талабларига риоя этмаслик оқибатида «Тошмарғ» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти (раҳбари Б. Маждов) «азаматлар»и монопол маҳсулотларга нархларни шакллантиришда зарурий фойлага моддий ёрдам пулини киритиб, 1817,3 минг сўм ноқонуний даромад «эгаси» бўлишган.

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний номидаги «Ёнар» ҳиссадорлик жамияти (раҳбари С.

Салаев) 752,4 минг сўм, «Асакаёғ» ҳиссадорлик жамияти (С. Қўчқоров) 196,6 минг сўм, «Фаргонаёғ» ҳиссадорлик жамияти (Р. Усмонов) 194,3 минг сўм, «Урганч» ҳиссадорлик жамияти (Т. Мусев) 186,2 минг сўм, «Косонёғ» ҳиссадорлик жамияти (Т. Холмирзаев) 139,9 минг сўм ва бошқа бир қатор корхоналар ҳам худди шундай ҳолатлар бўйича асоссиз даромадларини ўз фойдалари ҳисобига ўтказишган.

«Ўзғойтамаки-саноат» уюшмаси тизимидаги корхоналар раҳбарлари негадир кўпроқ истеъмолчи ҳисобига эмас, балки корхоналари ҳисобига «адашиш»ни одат қилиб олишган кўринади. Бўлмаса, айрим корхоналарда таннархга киритилган харажатларни «адашиш», аниқроғи, нотўғри киритиш ҳисобига жами 822 минг сўм асоссиз даромад олинганини қандай изоҳлаш мумкин? Бу борада «улоқ»ни «Когонёғ» ҳиссадорлик жамияти (Н. Шарипов) олиб кетди.

**(Давоми 2-бетда.)**

## ИШОНЧ ЁРИЛГИ ТОПШИРМАД

13 январ кунини Деҳлида Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчини И. Мавланов Ҳиндистон Республикаси Президентини К. Р. Нарайананга ишонч ёригини топширдилар.

Улар ўртасида бўлиб ўтган суҳбат чоғида К. Р. Нарайанан Ҳиндистон Ўзбекистонини Марказий Осиёнинг етакчи давлати эканини таъкиллади, икки мамлакатни боғловчи ананавий кўп асрли муносабатлар мамлакатимиз мустақилликка эришилганидан сўнг сезиларли даражада ривожланганини ҳамда ўзаро сиёсий муносабатларда муаммо йўқлигини айтиб ўтди. Шунингдек, Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш тўғрисида фикр алмашилди.

**«Жаҳон» АА.**

Душанбе шаҳрида «Сарбонтекс» акциядорлик ишлаб чиқаруви ва савдо-иқтисод жамияти Испаниянинг «Gipros De Aspiration Y Caldereria, S.A» компанияси билан 7,098,000 евро (7,452,900 доллар) миқдорда битум ва жаррохлик докларини ишлаб чиқарувчи янги корхона асбоб-ускуналарни etkashini бериши, соғлаш ва ишга тушириши буйича шартнома тўлиди.

### ЭКСПОРТГА — ЮҚОРИ СИФАТЛИ МАХСУЛОТ

«Узфармасаноат» давлат акциядорлик концернининг республика ҳукумати қилган тақдирини ана шу тарихи амалга ошди. 2001 йилда Сирдарё вилояти марказида 1222,5 тонна пахта ипни ишлаб чиқарувчи корхона очилди, ана шу махсулотдан келадиган 31,7 миллион дона битум ва 86,1 миллион дона жаррохлик докларини тайёрлаш кўзда тутилган. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мақорид билан тасдиқланган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 11,340,025 еврога

«Узфармасаноат» давлат концернининг инвестициялар, техник ривожланиш ва маркетинг бўлими бошлиғи Эркин Тожиёвнинг «Туркистон-пресс» муҳбирига берган маълумотига кўра, айтилган «Сарбонтекс» уш маблағи ҳисобидан қурилиш-монтаж ишларининг анчасини бажариб, ҳозирда пахта ипни ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуналарни ўрнатилиш ишларини якунламоқда. Бу эса эҳтиётлаб тиббий товарларнинг дастлабки партиясини 2001 йилнинг биринчи ярмидақ тайёрлаш имконини яратди. Махсулотнинг катта қисмининг экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Э.Тожиёвнинг таъкидлашича, бундай лойиҳа хомашдан таёр махсулотлар экспортга ўтишдек иқтисодиётимизнинг устувор йўналишини буйича амалга оширишнинг асосий шартлари билан, айниқса, диктатта молиқдир. Тиббиётда ишлатиладиган турли ўлчамдаги юқори сифатли махсулотларнинг Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти талабларига тўла жавоб бериши кўзда тутилган. «Туркистон-пресс».

### ТАСИС ЭЪТИРОФ ЭТДИ

Утган йилнинг якунида Тошкентда ТАСИС дастури мутасаддилари билан республика Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти учрашув ўтказган, божхона иши билан боғлиқ масалаларда ўзаро ҳамкорлик қилиш юзасидан аҳла-шувга эришилган эди. Қўмита раҳбари Франсуа Поитхати Парижда жойлашган Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури раҳбари Клауд Маркелдан Давлат божхона қўмитасига маълум қилди. Номада жумла-дан шундай дейилади: «Тошкентда бўлиб ўтган ўзаро ама-

лий учрашувимиз очик ва самимий руҳда ўтганлигини таъкидлаган ҳолда ўзбек божхоначиларининг салоҳияти юксак эканлигига амин бўлдим. ТАСИС дастури лойиҳаларини тайёрлашда ўзбекистонлик божхоначиларнинг фойдалови, ва-танпарварлиги ва ўз ишига вих-дасан ёндашганлиги бизда зўр таассурот қолдирди. Бундай божхона тизимига эга мамла-кат вакиллари билан ҳамкорлик қилиш келгусидаги алоқаларимизнинг ривожига янада сал-матлик туртки беради. Ушбу миннатдорлик мактуби, шуб-ҳа-

### Муруват ТУҒИШГАНЛАРДАН ҲАМ АЪЛО

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби қадимий Бухоро вилоятида ҳам шу кунларда ёлғиз кексалар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларда алоҳида эътибор берилмоқда, меҳр-муруват кўрсатишмоқда. Таҳририятга келадиган хатларнинг кўпчилигида шу ҳақда тўлиб-тошиб хикоя қилинади. Қатъла қўйиб ақс этганидек, бунга кўнгиллик ногирон Х. Жумаева ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу опамиз ҳозирги пайтда Когон шаҳри 1-кичиқ мавзесининг 25-уй, 16-хонадонда истиқомат қилмоқда. Шаҳар ижтимоий таъминот бўлими, Кизил ярим ой жамияти, «Но-гиронлар», «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаларининг вилоят бўлиmlари ва ҳо-мий ташкилотлар доимо у

кишининг ҳол-аҳволидан хабар олиб турибди. 1999 йил Наврўз байрами арафасида икки минг сўмлик озиқ-овқат махсулотлари, бир минг элик сўмлик дори-дармонлар ҳамда уш метрлик поён-дот совға қилинганди. Ижтимоий таъминот бўлими опани ёлғиз яшайдиганлар рўйхатига киритилди. Эндиликда ана шу йўналишда белгиланган барча имтиёزلардан баҳраманд. Хар ойда озиқ-овқат махсулотлари etkashini берилмоқда. «Ногиронлар» жамиятининг шаҳар бўли-ми «Бухарский вестник» газе-тасига 2000 йил учун обона қил-дирилди. Утган йилнинг декабр ойида ўтказилган ногиронлар кунинда шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, ҳо-мий ташкилотлар ердими билан бир қоп уш, ша-кар ва бошқа совғалар берил-ди. Вилоят «Меҳр-шафқат ва са-

Бутун бозор иқтисодиёти талабини билмаган, рақобатбардор махсулот ишлаб чиқара олмаган корхона-нинг иқтисодий нозор ҳолатга тушиб қолиши табиий. Бунинг ҳаётини ўзи кўрсатапти. Рақобат бозорига ўз ўрнини топа олмаган корхоналар банкрот деб эълон қилинган, айримлари санацияга туширилган. Ҳўш, «банкротдан қандай қилиб қўйиб қолган?» Бундай корхоналарнинг кейинги тақдирини қандай келажак? Мухбиримиз Самарқанд вилоят иқтисодиёт нозор қороналор ишлари бошқармаси бошлиғи Уктам СИРОЖИДИНОВ билан шу хусусда суҳбатлади.

Президентимизнинг ўтган йили эълон қилинган «Банкротлик механизмининг тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисида»ги қонунчилик амалга оширишга доир қўшимча қорар-табирлар ҳақида»ги қорарни мамлакатимизда банкротлик жа-раёнини янги поғонага кўтар-ди, десак муболаға бўлмас, — деди у. — Корхоналар банк-ротлиги ва санацияси масала-лари буйича ҳукумат комиссияси, Иқтисодий нозор қор-хоналари ишлари қўмитаси то-монидан ана шу ҳужжатлар асосида банкротлик механиз-мини тақомиллаштиришга оид қатор теъмурий ҳужжатлар, ни-зом ва йўриқномалар ишлаб чиқилди. Булар эса ўз навба-тида фаолиятимизнинг аниқ бир тизимга туширишга, тушун-монликларнинг барҳам то-пишига имкон берди. Албатта, қорхонани банк-рот қилиш бошқармани ол-

### АМАЛИЙ ИШЛАР ИЖОБАТИ

данда турган бирдан-бир вазифа эмас. Бизнинг асосий фойда-тининг банкротликнинг оқилини олиш, услубий тавсиялар орқали бундай ҳолатни профилак-тика қилишга қаратилган. Лекин иқтисодиётимиз илдизига болта ураётган, нозорлик «ви-рус»ларини тарқатаётган қор-хоналар билан шафқатсиз кура-шиш кераклигини бугунги иқтисодий муҳит талаб этмоқ-да. Чунки бир қорхонанинг иқтисодий нозорлиги ёки маж-бурий тўловларни амалга оши-ришга қобилиятсизлиги соқ-тизм орқан шаклланган бу-дан жамиятининг ривожига жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Шу боис ўтган йилнинг ўзида 118 та қорхона вилоят ҳўжалик суди томонидан банкрот, деб эътироф этилди.

Шу ўринда таъкидлаш кера-ки, қорхона банкрот қилинган-дан кейинги ҳаракатлар тўри-сида нотўғри тушуночалар пай-до бўлмоқда. Кўпчилик банк-ротликни ишчиликнинг кескин қилиниши, қорхонанинг бутун-лай йўқ қилиб юборилиши, деб тушуномқда. Бу ҳақиқатдан муб-лақо йироқ фикр. Чунки мам-лакатимизда, аввало, аҳолини ижтимоий муҳофаза этиши-нинг аниқ тизими шаклланган. Ик-кинчиси, «Банкротлик тўри-сида»ги Қонунда қорхонани ян-гина мулкый мажмуа (бизнес) шаклида сотиш назарда тутил-ганлиги қатор ижтимоий маса-лаларни ҳал этиш имконияти-ни беради. Ҳозирги кунда бош-қармаси банкрот қорхоналар-нинг ягона мулкый мажмуа сифа-тида сотишга алоҳида эътибор қаратаётган. Сабаби — бун-да қорхонанинг фаолият йўнали-ши, малакали ишчилар ўрни сақлаб қолиниб, уни замонавий ускуналар билан қайта жиҳоз-

лашга шароит яратилади. — Бирор соҳа буйича бу бо-рада амалга оширилган ишлар ҳақида сўзлаб беролмаймиз? — Вилоятимизда мавжуд паррандачилик қорхоналари қатор йиллардан буюн сурунка-сига зарар билан ишлаб келаят-ган эди. Қорхоналар банкрот-лиги ва санацияси масалалари буйича вилоят комиссиясининг тақлифларига мувофиқ, 3 та паррандачилик фабрикаси «банк-рот» деб топилди. «Самарқанд-парранда» акционерлик жамия-

### Фармон ва ижро

ти эса ички имкониятлари ҳис-обига санация қилинди. Шуниси қувончлики, айтиш шуб-ҳа-ролар ўзининг ижобий самарала-рини бера бошладилар. Масалан, «Самарқандпарранда» санация-га қадар 59 миллион сўм зарар билан ишлаётган эди. 1998 йил якунида бу зарар тўлиқ қопла-ниб, 2,5 млн. сўм фойда олин-ган бўлса, 1999 йилнинг 10 ойи-да фойданинг ўзи 151,8 млн. сўмни ташкил этди. Парранда-бош сони шу даврда 23 мингта-дан 488,6 мингтага етди. Иш-чиларнинг моддий манфаатдо-риги ошиб, оилаш маош ўртача 8900 сўмга кўтарилди. Мўҳими, ўтган давр мобайнида ишлаб чиқаришни тақомиллаштириш мақсадида 78,4 млн. сўмлик ин-вестиция киритилди. — Банк-ротликнинг олдин-олиш кўп жиҳатдан жамонинг сай-ҳаракатларига ҳам боғлиқ эмасми? — Кўпинча қорхона «банк-рот» деб эълон қилингандан кейин унинг юқори ташкил-

ти, ҳоқимликлар, меҳнат жа-моаси иқтисодий нозор ҳолдан чиқиб имконияти бора-ди, бу борада улар ўз меҳнат-ларини авамасликларини бил-диришди. Аммо кузатувларимиз шунинг қўрқатаётгани, қор-хонанинг меҳнат жамоаси ўзларининг мулкдор сифатида эмас, ёлғанидан ишчи сифати-да ҳис қилади. Шунинг учун ҳам қорхонани ўз билганига бошқаради. Меҳнат жамоасининг ўз ҳақ-ўқуқларини бил-масдан, мамыурий-бўйруқбо-лик усулига рози бўлиб ўти-риши кўп ҳолларда қорхона-ни «банкрот»га олиб келади. Ана шундангина ишчилар ўза-рининг ижтимоий муҳофаза-лари ҳақида уйлаб қолишади. Ваҳданики, улар мулкдор сифа-тида раҳбар фаолиятини вақти-вақти билан назорат қилишлари ва унинг ҳисоботи-ни эшитиб туришлари кера-к. Катта миқдорда акцияси бўлган олий ишчи акцияга эъ-тибор қаратилган. Шунинг у-чун ҳозирги кунда ҳукуматимиз томонидан бун-да роллик механизмининг тақомил-лаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур жаёри-нинг самарасини эса юқорида-даги мисолларда кўрдик.

«Халқ сўзи» мухбири Абдурусул САТРОВИГА суҳбатлашди.

### «ЧЕВАР» КОМПЬЮТЕРЛАР

Янги йилда Урганчада замонавий тикув машиналари билан жиҳозланган «Бизинг-руд Хоразм» маъсуляти чек-ланган жамияти иш бошлади. «Феруз» ҳиссадорлик жамияти, республика Меҳнат вазирлиги, «ПФАФФ-Эн-гер» компаниясининг республи-калик савдо уйи унинг тасвирчилари бўлди. Бу ерда трикотаж буюмлари, эркак-лар костюмлари, мактаб ўқувчилари учун куртқалар ишлаб чиқарилади. Махсу-лотнинг катта қисми хорижа-га сотилади. Мўҳими, тикув-чилар ҳозирданқангаву-лашган, компьютерлашган машиналардан фойдаланиши-ни ўзлаштириб олдилар. Сотим АВАЗ, «Халқ сўзи» мухбири.



### ИХТИРОЧИЛАР

«Сурхоннахтасаноатсотиш» билдиримиде инженер-техник хоҳишларини иштироқчилик тақлифларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш жараёнида кўз меҳнатининг қамалиши, шу тарихи миллионлаб сўмлар иқтисод қилинишига олиб келмоқда. Биринчи мисол: ўтган йилнинг ўзида ўндан зиёд ишти-роқчилик тақлифлари ишлаб чи-қаришга жоръ этилди. Нати-жада 75 миллион сўмдан зиёд маблаг иқтисод қилинди.

СУРАТДА: «Сурхоннахтасаноатсотиш» билдиримиде инженер-техник хоҳишларини иштироқчилик тақлифларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш жараёнида кўз меҳнатининг қамалиши, шу тарихи миллионлаб сўмлар иқтисод қилинишига олиб келмоқда. Биринчи мисол: ўтган йилнинг ўзида ўндан зиёд ишти-роқчилик тақлифлари ишлаб чи-қаришга жоръ этилди. Нати-жада 75 миллион сўмдан зиёд маблаг иқтисод қилинди.

### ҚОНУН ҲАММАГА БАРОБАР

бу борада имтиёзлилар бўлмайди

«Давоми. Боши 1-бетда».

Мазкур қорхона савдо дўконла-рида сотиладиган махсулотлар учун тузилган нарх шартномаларида транспорт, иш ҳақи ва бошқа тур-даги харажатлар асосиз равишда ошириб кўрсатилиши тўғрисида сал-кам 280 минг сўм даромад қўлга киритилган. «Бухороёғэкстракция» (М. Зайниев), «Анджонёғмай» (А. Сотволдиёв), «Наманганёғэкстрак-ция» (Х. Лутфуллаев), «Сурхон-зикоёғэкстракция» (Р. Абдуллаев), «Янгиёйлеёғэкстракция» (М. Хулё-ров) ҳиссадорлик жамиятлари мутасаддилари ҳам қорхоналардан ор-та қолмай, Узбекистон Рес-публикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқлари ни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қо-нунига риоя эт-маганлар. Бундан таш-қари, уюшма тизимида «Бухоро савдо уйи» (Х. Муродова), «Наман-ганёғэкстракция», «Гулстёғёғэкстрак-ция» (Ф. Қулиев), «Учқўрғонёғ» (А. Умаров) ҳиссадорлик жамиятла-рида ҳам мазкур Қонуннинг 5-мод-даси (ишлаб чиқарувчи, ижрочи, сотувчи, савдо ва хизмат кўрсатиш қонунлари) ва 6-моддаси (товар, иш ва хизматлар тўғрисида маълумот) талаблари бузилиши ҳоллари аниқланди. «Учқўрғонёғ» ҳиссадорлик жамиятига «Ўзёғмайтамаксаноат» уюшмаси томонидан йўланган шовишличиномада «Теннис-плюс» рўномасига обона бўлиш шартли-ги, ақс ҳолда қорхонанинг 6 ой-лик ҳисоботлари қабул қилинмас-лиги ҳақида кўрсатма берилганига нима дейсиз? Ана шу ҳаракатлари билан уюшма раҳбарлари юридик шахслар — бирлашмалар, уюшма-лар, жамиятлар — ҳўжалик юри-тувчи субъектлар фаолиятига ра-қобатни чеклайдиган тарзда ара-лишини таққидовчи «Товар бо-зорларида монополистик фаолият-ни чеклаш ва рақобат тўғрисида»-даги Қонуннинг 6-моддасига риоя эт-маганларини билармиканлар? «Наманганёғэкстракция» ҳисса-дорлик жамиятида ҳам шунга ўхшаш ҳолат аниқланди. Наман-ган шаҳар ҳоқимининг 1999 йил 5 февралдаги 01/06-121-сонли хати-да жамиятга алоқаси бўлмаган шахс — Наманган давлат университети

лиметалл» очик турдаги акцио-нерлик жамияти мамлакатимиз-да рангли металл қинқиндилари ва парчаларини қабул қилувчи аго-на қорхона бўлиши билан бирга, ана шу металлларни қайта ишлаб, уларни республика ҳамда унинг ташқирисида сотувчи асосий жа-моа ҳам ҳисобланади. Айтиш пай-тда у эритилган алюминий қотиш-маларини ишлаб чиқариш ва со-тиш буйича республика товар бо-зорига монопол мақвега эгадир. Узбекистон Республикаси Мо-лия вазирлиги хуруридаги Моно-полиядан чиқариш ва рақобатни

### Ойдин келажак сари ТУПРОҒИ ТИЛЛОГА ТЕНГ ВОҲА

Турли тарихий ҳужжатлар, солломунай муайян давр ва тузумининг манфаатларини фойдалайди. Шу маънода, Россия императори Петр Биринчининг 1714 йил 24 апрел кунини имзолаган буйруғи биз таҳлил этмоқчи бўлган мавзуга бевосита дахлдорадир. Император ўз буйруғида гар-дия капитани, князь Бекевич-Черкасскийга «Амурдерини қуйилиш қисмидаги бандар-гоҳда минг кишилик ҳарбий истеҳком қуришни амр эт-ган эди. Хўш, Қир, Доро, Искан-дар, Қанишка, Қутайба, Чин-гиз ва Ноҳиршоҳдан кейин Петр қандай мақсад билан Қуйи Амурдаё воҳасига кўз тиккан эди? Гап шундаки, бу замин қарийда ноёб ероти бойлик-ларининг «кўз очмаган бўлқу-ри» ҳисобсиз эди. Сабаби — ибтидоий тоғ-қон иши қадимда шу ердан бошланган, ушбу гўша қатор мамлакат-ларнинг металл қомашиси, ай-ниқса, кўп миқдорда фируза билан таъминланган. Биз айтиш нодир фируза-си билан асрлар давомида шухрат топиб, қимматбаҳо тошлар билан не-не шох, не-не қонлар тоғига, тахтига кўк бериб келган Султонвайс тоғ тизмаси, унинг бойлик-лари мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳамда милла-тининг манфаатларига бўйсун-дирилганлиги тўғрисида сўз қилишмоқчимиз.

Султонвайс тоғи Амурде-рининг ўнг соҳилида, Қизилқум чуқурининг шимоли-ғарбида, Беруний ва Бустон шаҳарла-ридан қуйроқда, Тошкент-Нукус автомобиль йўлининг 1020 ва 1070-километри ора-лигида жойлашган. Бу тоғ ўзининг палеозой қатламлари билан алоҳида аҳамият касб этди. Энг ба-ланд чўққиси — Қорачингил денгиз сатҳидан 473 метр қоридир. Султонвайс тоғи, юқорида айтилгандек, нодир қадимда бойликлар санигини ҳисобла-нади. Унинг бағрида, аниқ-

роғи, тоғ тизимининг Тобинбу-лоқ деб номланувчи жойида, Хўжақул атрофида жуда катта миқдорда темир рудаси бор. Асосан титан ҳамда магнетит темирдан иборат бу захира XXI асрда мамлакатимизни муҳим қомашё — металл билан таъ-минлашда янги саҳифа очади. Мустақиллик шарофати билан Султонвайс тоғининг сир-ли сандиғига қалит солинмоқ-да. Биз бу ўринда Султонвайс заминини, бутун Қоракандпо-стони мамлакат маркази билан тўғридан-тўғри боғлайдиган те-мир йўл қурилишини назарда тутмоқчимиз. Яқинда шу темир йўлининг «Султонвайс-Туртқў» шохобчаси фойдаланишга топ-ширилди. 115 километрлик бу йўлнинг 73 километри бир йил давомида барпо этилиб, бу мақ-садлар учун 10 миллиард сўмлик капитал маблаг ўзлаштирилди. Шундай қилиб, Нукус шаҳри Султонвайс тоғи, Беруний, Эл-дикқалъа, Туртқў туманлари орқали «Мискин» бекати билан туташтирилди. Галдаги 226 ки-лометрлик «Мискин-Учқудўқ» шохобчасининг ақс истикбол-да барпо этилиши давлатимизда темир йўл тизими солломасида янги даврини бошлаб бериши билан бирга, Султонвайс тоғ-кон санотини кенг қўламда ри-вожлантириш имконини беради. Хўлбуки, Султонвайс тоғи титанли темир рудасидан фос-фори, мармар, гранит, талқ, оҳақшо захираларига эга. Муш-тарийлар учун маълумот сифа-тида қай қилдиқларни айтиш. Марказий Осиёда ягона саналган Кўнгирут сода заводи асосан икки қомашё — Орол соҳили-даги туз қонлари ва Султон-вайс тоғининг оҳақшо ҳисо-бига ишлайди. Айтиш қулларда тоғ ёнбағрида оҳақшоини сара-лаб майдалаш фабрикаси қури-лмоқда. Сода заводи ишга ту-шган, бу ердан ҳар кунини юзлаб вагон майдаланган оҳақшо Кийиксой мавзесига жўнатил-ди. Тоғдан қазиб олинётган мармар, гранитнинг Қораканд-постин, бутун мамлакат иқти-соидети учун нақдлар аҳамият-ли эканлиги тўғрисида ўзундан-

Янгибой КўЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Демир» Ширкатлар Гуруҳи

Муҳтарам Ислон КАРИМОВ  
жаноби олийларини  
Ўзбекистон Президенти  
сайловида қозонган ёрқин  
ғалабаси билан қутлайди.



Инсоният тарихида мисли кўрилмаган юксалишлар даври бўлиши кутилаётган янги минг йилликда Ўзбекистон шу юксалишларнинг чўққилари сари қатъият ва шараф билан илгарилайверади. Бу янгиланиш жараёнининг бошида муҳтарам Ислон Каримовдек қудратли ва салоҳиятли инсоннинг бўлиши Ўзбекистон ва ўзбек халқи учун катта бахтдир.

**DM**  
**DEMIR**  
**GROUP**

